

Фикҳ 173-дарс. Набий алайҳиссаломнинг намоз ўқишлари



20:00 / 17.02.2022 3709

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????? ? ????

????????????? **مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعٌ لَّالِ اِيْلَص**

?????: «????? ?????? ?????????????? ?????????? ???

?????????????: ?????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????

????????????? ?????????? ?????? ?????????????????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ?????????? ?????????????? ??? ??????????????:

????????????????? ?????????????? ?????????????????????? ?????????????? ??????????????

????? ????????

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозни бошлашга такбир айтсалар, икки қўлларини қулоқларининг юмшоқ жойларигача кўтарар, сўнгра уни қайтармас эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Зубайр бир кишининг рукуъга кетаётганда ва ундан тураётганда икки қўлини кўтараётганини кўриб қолиб, унга: «Бундай қилма, бу иш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдин қилиб, кейин тарк этган нарса», деганлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَارْتَأِدُوا رِجْلَيْكُمْ وَسَبِّحُوا اللَّهَ حِينَ مَضَىٰ وَعِنْدَ إِثَارَتِكُمُ الْمَلَأَ لِقَابِ رَبِّكَ أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيُذْخِرَكُمْ مِنَ الْعَذَابِ إِنَّ رَبَّكَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا

Таҳовий Мужоҳиддан шундай ривоят қилади:

«Мен Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг орқасида намоз ўқиганман, у киши биринчи такбирдан бошқа жойда икки қўлини кўтармас эди».

Шунингдек, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳам ўзлари икки қўлни кўтариш ҳақида ҳадис ривоят қилган бўлсалар-да, намозда қўлларини кўтармас эканлар.

Кейин такбир айтиб, саждага йиқилади. Олдин икки тиззасини, кейин бармоқларини жуфтлаган ҳолда икки қўлини қўяди.

????? ????????

????? ????????

????? ????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????

?????????????????. ?????????? ?????????????? ??????????????.

Воил ибн Хужр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон сажда қилсалар, икки тиззаларини икки қўлларида олдин қўяр эдилар. Қачон турсалар, икки қўлларини икки тиззаларидан олдин кўтарар эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Кейин чиғаноқларини керган ва қорнини икки сонидан ажратган ва оёқ бармоқларини қиблага қаратган ҳолда икки қўлининг орасига бошини қўяди.

دَجَسَ إِذْ مَسَّ وَهِيَ لَعْلَلِ صَبَّ نَلْ أَنْكُ: تَلْ أَعْنَ لَلِ يَصْرَ رَعْنَ وَمَيَمْ نَعْنَ
مُلسُمْ هَ أَوْرُ: تَرْمَلْ هَيَّ دَيَّ نَبَّ رُمَتْ نَأْ هَمَّ هَبْ تَأْشْ وَلِ يَّحَ يَفَاجْ

Маймуна розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон сажда қилсалар, қўлларини кериб, орани очиб қўяр эдилар. Агар қўзи ўтмоқчи бўлса, икки қўллари орасидан ўта оларди».

Имом Муслим ривоят қилган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди